

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАФИҚОВА НОДИРАХОН АЪЗАМОВНА**

**ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ГЕОГРАФИК  
АСОСЛАРИ  
(Ўзбекистон ҳудуди мисолида)**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан  
оқилона фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рафиқова Нодирахон Аъзамовна**

Табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштиришнинг  
экологик-географик асослари (Ўзбекистон худуди мисолида) ..... 0

**Рафиқова Нодирахон Аъзамовна**

Эколого-географические основы оптимизации взаимодействия  
природы и общества (на примере территории Узбекистана) ..... 0

**Rafikova Nodirakhon A'zamovna**

Ecological and geographical foundations of interaction optimization  
nature and society (on the example of the territory of Uzbekistan) .....0

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Last of published works .....0

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАФИҚОВА НОДИРАХОН АЪЗАМОВНА**

**ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ГЕОГРАФИК  
АСОСЛАРИ  
(Ўзбекистон ҳудуди мисолида)**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан  
оқилона фойдаланиш**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/G112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyo.net» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аббасов Субхон Бурхонович**  
география фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ўразбаев Абдукарим Кендирбаевич**  
география фанлари доктори, профессор

**Аманбаева Зиёда Абдубаисовна**  
география фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [geografiya.nuuz@mail.ru](mailto:geografiya.nuuz@mail.ru) Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Н.И. Сабитова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

**З.Н.Тожиева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик  
илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон микёсида ҳозирги илмий-техник тараққиёт шароитида жамиятнинг атроф-муҳит билан муносабати борган сари мураккаблашиб бормоқда. Бу жараён айниқса моддий бойликлар ва энергия истеъмолининг муттасил ошиб бориши билан боғлиқ муаммоларда яққол намоён бўлмоқда. Жаҳон Глобал экологик фондининг (ГЭФ) 2017 йилдаги ҳисоботида «Табиат ва жамият ўзаро муносабатларини оптималлаштириш XXI аср кун тартибининг бири бўлиши зарурлиги»<sup>1</sup> таъкидланган. Табиий модда ва энергия алмашинувининг инсон ҳўжалик фаолияти натижасида ўзгариши, табиий ресурслардан ҳўжаликда фойдаланишнинг жадал ортиши ҳамда коммунал-маиший чиқиндилар ҳажмининг тобора ортиб, атроф-муҳитни ифлослантириш жараёнининг янада кескинлашуви табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, табиий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳамда ресурсларнинг қайта тикланиш жараёнларига эътиборни кучайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш, атроф-муҳитда тирик мавжудод, хусусан инсон ҳаёти учун зарарли бўлган захарли моддаларнинг тўпланиб боришини олдини олишга қаратилаган тадқиқотларни амалга оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, табиат ва жамият муносабатларининг экологик-географик асосларини ишлаб чиқиш, муносабат оқибатларини прогноз қилиш, хариталаштириш ва экологик вазиятни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ерларнинг табиий мелиоратив яхшилаш, атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли чиқиндиларни руҳсат этилган меъёр даражасидан оширмаслик бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси»да атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этишни илмий жиҳатдан таъминлаш<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, табиий ресурслардан фойдаланишда табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштиришнинг экологик-географик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4047-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини

<sup>1</sup> [https://www.e-unwto.org/doi/pdf/UNWTO Annual Report 2017](https://www.e-unwto.org/doi/pdf/UNWTO%20Annual%20Report%202017)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони.

тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ўранишнинг назарий-услубий асослари хорижлик олимлар М.Гланц, Ф.Пирс, В.Вайсман, Ж.Ниуль, Р.Фергюсон, Л.Перейра, И.Кобори ва МДХ мамлакатлари олимлари В.А.Анучин, И.П.Герасимов, Г.А.Давидова, Д.П.Никитин, А.Г.Бабаев, Б.Г.Розанов, Н.Т.Нечаева ишларида баён этилган.

Ўзбекистонда табиат ва жамият муносабатларини ўранишга бағишланган тадқиқотлар А.А.Рафиқов, П.Н.Ғуломов, Л.А.Алибеков, А.Н.Нигматов, С.Б.Аббасов, А.А.Назаров, Ш.М.Шарипов, Б.А.Бахриддинов, А.К.Ўразбаев, З.А.Аманбаева ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Бу олимларнинг тадқиқотлари табиий жараёнларнинг таъсири ва унинг сабаблари, оқибатлари, антропоген омилларнинг геотизимларга салбий таъсирининг моҳиятига қаратилган.

Шу билан бирга табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштириш муаммолари, табиатдан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда бугунги давр талабларидан келиб чиқиб тадқиқ этишни талаб қилади. Шунинг учун ушбу диссертация мавзуси долзарб бўлиб, табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш, ресурслардан фойдаланишни қатъий равишда меъёрлаштиришга ўтиш, атроф-муҳитга чиқиндиларни чиқаришни аввалига камайтириш, сўнгра чиқиндисиз технологияга ўтиш, табиат мусаффолигини таъминлашда экологик-географик жихатнинг аҳамияти билан юқорида келтирилган ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Сейсмология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФПИ-149-04 «Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг экологик-географик асослари (Ўзбекистон ҳудуди мисолида)» (2004-2006 йй.); ФА-А7-Т136 «Амударё дельтасининг чўллашиб бораётган қисми ва Орол денгизининг қуриган туби табиий муҳитини оптималлаштиришни экологик-географик бошқариш технологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.); ФПИ-Т11-12 «Табиат ва жамият муносабатларининг ўзаро жадаллашуви муносабати билан юзага келадиган экологик хавфсизликни олдини олиш мақсадида геосистемалар ўзгаришини экологик-географик прогнозларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2013 йй.); ФА-А7-Т041 «Ўзбекистон арид зонаси чўллашиш харитасини тузиш ва мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чўллашишнинг олдини олиш чора-

тадбирлари» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишда табиат ва жамият муносабатларини экологик-географик жиҳатдан оптималлаштиришни илмий асослаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

табиат билан жамият муносабатларини тарихий жиҳатларини ўрганиш ва ривожланиш даврида салбий оқибатлар сабабларини тавсифлаш;

табиатдан фойдаланишнинг экологик-географик асосларини, бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш тамойиллари ва устувор йўналишларини очиқ бериш;

Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланишнинг анъанавий-тарихий усул ва услублари, имкониятлари, ижобий ва салбий оқибатларини баҳолаш;

антропоген омилларнинг табиат комплексларига салбий оқибатларини тавсифловчи хариталар яратиш;

табиатдан оқилона фойдаланиш барқарор иқтисодий-экологик тараққиётнинг асоси бўлишлигини очиқ бериш;

табиат билан жамият ўзаро таъсирини оптималлаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон атроф-муҳити экологик ҳолатига салбий таъсир этувчи манбалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** атроф-муҳит муаммолари, инсон хўжалик фаолиятининг табиий муҳитга таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотларида ҳудудий таҳлил, картографик, ГИС технологиялар, географик таққослаш, дала тадқиқоти, ландшафт индикация, статистик, типологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

табиат билан жамият муносабатларининг кескинлашуви табиатдан фойдаланиш хусусиятига (гидромодул меъёрга амал қилмаслик, яйловлардан фойдаланишда фитомассани ҳисобга олмаслик, конларни рекультивация қилмаслик) динамик боғлиқлиги экологик жиҳатдан асосланган ва туркум карталари яратилган;

табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик-географик жиҳатлари (экологик асосланганлик, меъёрга яраша фойдаланиш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш) ландшафт индикация методи асосида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон табиат комплексларининг антропоген омиллар (9 та кўрсаткич) таъсирида 2025-2035 йилгача ўзгариш даражалари прогнози ишлаб чиқилган;

табиатдан фойдаланишда табиат комплексларининг экологик ҳолатидан келиб чиқиб экспертли-Дельфи, Паттерн, статистик модел, ғоялар

генерацияси усуллари ёрдамида “табиат ва жамият” кластери ишлаб чиқилган;

табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштириш бўйича табиий географик қонуниятларни (ландшафт компонентлари модда ва энергия алмашуви орқали боғлиқлиги, ландшафтларнинг зоналик, а зоналик, баландлик минтақаланиши, даврийлик қонуниятлари) инобатга олган ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

антропоген омилларнинг табиат комплексларига салбий оқибатларини тавсифловчи карталар яратилган;

табиат комплексларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида антропоген ўзгариш прогнози ишлаб чиқилган;

табиат билан жамият ўзаро муносабатларини оптималлаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари ва ҳудудий кузатув ишлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижасида яратилган мавзули хариталар серияси, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиатдан фойдаланиш соҳасига тегишли тушунчалар, унинг назарий ва илмий-методологик асослари, табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш, экологик вазияттни барқарорлаштириш, табиий ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштириш, атроф-муҳитга чиқариладиган чиқиндиларни аввалига камайтириш, сўнгра чиқиндисиз технологияга ўтиш, табиат мусаффолигини барқарор таъминлашда экологик-географик илмий асосларининг аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган асосий хулоса ва тавсиялар Ўзбекистонда табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштириш ва ривожлантириш стратегияси ҳамда дастурларини ишлаб чиқишга, шунингдек, республика олий таълим тизими тегишли йўналишларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштиришнинг экологик-географик асослари бўйича олинган натижалар асосида:

антропоген ва техноген характердаги физик ва кимёвий омилларнинг табиат комплексларига салбий таъсирини тавсифловчи хариталар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалиётга жорий этилган (ЎЗР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 28 октябрдаги 02-08-7758-сон маълумотномаси). Натижада ер ресурсларига етказилаётган



салбий таъсирни рухсат этилган меъёр (РЭМ) даражасида сақлаш имконини берган;

табиий ресурслардан хўжаликда меъёрида фойдаланишнинг такомиллаштирилган усуллари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси амалиётига жорий этилган (ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2019 йил 28 октябрдаги 02-08-7758-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий аҳолининг экологик муҳитни яхшилаш ва табиий ресурслардан хўжаликда фойдаланишни тартибга солишда кўшимча имкониятлар берган;

Ўзбекистон табиат комплексларининг антропоген омил таъсирида 2025-2035 йилга қадар ишлаб чиқилган ўзгариш прогнози Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси амалиётига жорий этилган (ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 02-02/8-1529-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистоннинг қумли текисликларида, дельталарида, тоғолди-адирларида экологик вазиятти барқарорлаштириш, табиий ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштириш имконини берган;

табиатдан фойдаланишда табиат комплексларининг экологик ҳолатини ҳисобга олишни таъминлайдиган “табиат ва жамият” кластери (ЎзР Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 02-02/8-1529-сон маълумотномаси). Натижада аҳоли пунктларида маиший чиқиндиларни тўплаш, саралаш ва зарарсизлантириш объектларини барпо қилиш орқали атроф муҳитга зарарли таъсирни камайтириш имконини берган.

саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалигида табиат комплексларининг экологик ҳолатидан келиб чиқиб асосланган табиатдан фойдаланишни амалга ошириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси амалиётига жорий этилган (ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2019 йил 28 октябрдаги 02-08-7758-сон маълумотномаси). Натижада ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда турли хўжалик фаолиятида атроф-муҳитга маиший чиқиндилар чиқаришни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий ишларда 10 та мақола, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Табиат билан жамият муносабатлари ва уларнинг оқибатлари”** деб номланган биринчи бобида табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирнинг тарихий аспекти очиқ берилган. Инсон хўжалик фаолиятининг ривожланиши ва ҳудуднинг табиий ресурсларидан фойдаланишнинг кучайиши, фан ва техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва табиатдан фойдаланишнинг кучайиши, экологик мувозанат ва унинг табиатдан нотўғри фойдаланиш жараёнида бузилиши, табиатдан фойдаланишнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг туб моҳияти очиқ берилган.

Инсон ҳаёти мобайнида ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган моддий неъматларнинг барчасини табиатдан олади, яъни у табиат билан маълум даражада муносабатда – ўзаро таъсирда бўлади. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирни тарихий аспектда ўрганиш уларнинг мазмунини тўғри тушунишга ва келажакдаги ўзгаришларни аниқроқ башоратлашга имкон беради.

Албатта, шунчалик узоқ вақт давомида инсоннинг табиат билан бўлган муносабатлари кучли даражада ўзгариб борган. Бирламчи даврларда, яъни ушбу муносабатлар эндигина вужудга кела бошлаган босқичларда табиий омил инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қадимги одамларнинг табиатга қарамлиги катта бўлган, лекин вақт ўтиши билан инсон ўзининг ақлий ва жисмоний қобилиятлари, моддий маданиятини такомиллаштириб, табиатга ўз таъсирини ўтказа бошлаган.

Эрамиздан аввалги II минг йилликда Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё этакларида лиман услубида ерлар суғорила бошланди (Қуйи Зарафшон этакларидаги Замонбобо кўли арофида, Қуйи Амударёда Суярган, Жонбосқалъа ва бошқ.). Дастлаб унча катта бўлмаган оддий суғориш ариқлари қазилди.

Эрамиздан аввалги I минг йилликда тоғли ҳудудларда темир рудаси эритилиб, ундан илк бор темир олина бошланган. Мис, бронза, темир ва бошқа металлларни қуйиш авваллари «ёғоч» кўмир асосида амалга оширилган, кейинчалик кўнғир кўмрдан фойдаланишга ўтилган. Мезолит (12-15 минг йил аввал), неолит (10 минг йил аввал), бронза ва эрамиздан аввалги II-I минг йилликларда Ўзбекистонда табиат билан ибтидоий жамоа ўртасидаги муносабатлар умуман суст ва ўртача ўзгаришлар даражасида

содир бўлган. Албатта, табиатдаги бу ўзгаришлар тўла тикланиш хусусиятига эга бўлган ҳолда юз берган.

Фан ва техника табиат билан жамият ўзаро алоқадорлигининг муҳим элементи, табиий бойликлардан фойдаланишнинг асосий воситасидир. Фан ва техника табиий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўллари ва усуллари излайди ҳамда амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, эндиликда инсоният фан ва техника инкилобининг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу кўпроқ микроэлектроника, информатика ва биотехнологиянинг тараққий қилиши ва турмушга татбиқ қилиниши, коинот сир-асрорларининг ўрганилиши, термоядро синтези энергиясини эгаллаш томон ҳаракатлар, ишлаб чиқаришни янада механизациялаш ва автоматлаштиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилаётганлиги билан боғлиқдир. Электроника саноати ва ҳисоблаш техникасидаги ютуқлар айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Табиатдан фойдаланишнинг экологик-географик асослари”** деб номланган иккинчи бобида табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари очиб берилган. Иқтисодий ривожлантириш шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш тамойиллари ва устувор йўналишлари асосланиб берилган. Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланишнинг анъанавий-тарихий услублари ва усуллари, имкониятлари, ижобий ва салбий оқибатлари, табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг экологик-географик асослари илмий асосланган.

Эндиликда ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири – табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини оптималлаштиришни ҳал қилиш эканлиги барча мутахассислар томонидан эътироф қилинмоқда. Чунки ҳозирги илмий-техник ривожланиш шароитида инсоннинг атроф-муҳит билан бўлган алоқалари борган сари чуқурлашиб бормоқда, бу жараён, айниқса, улар ўртасида модда ва энергия алмашувининг муттасил ошиб бориш йўналишида содир бўлаётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳодиса, хусусан, табиий энергетик баланснинг инсон хўжалик фаолияти натижасида ўзгариши, хўжалик муомаласига табиий ресурсларнинг кўплаб киритилиши ва саноат ҳамда коммунал-маиший чиқиндилар ҳажмининг тобора кўплаб табиатга қайтарилиши жараёнларида янада жиддийлашмоқда.

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда кўчмас манбаларининг атроф-муҳитга таъсирини изоҳловчи харита тузилди (2.1-расм) ва уни таҳлил қилиш натижасида табиат бойликларидан тезкорлик билан фойдаланиш жараёнида табиий ресурсларнинг қайта тикланиш қобилятилари ва унга чиқариб ташланаётган чиқиндилардан тозаланиш хусусиятлари сусайиб боради, атроф муҳитда тирик организм, шу жумладан инсон учун зарарли бўлган захарли моддаларнинг тўпланиб бориши кузатилади. Шу билан маҳаллий миқёсда экологик вазиятнинг жиддийлашуви, жойларда танг ва ҳалокатли тус олиши асослаб берилди.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон саноат шаҳарлари атрофидаги тупроқда оғир металлларнинг таркибини изоҳловчи карта тузилди (2.2-расм) ҳамда табиий ресурслардан экстенсив фойдаланишни интенсификациялаш ва бунда узоқ муддатли техник-иқтисодий самарани ҳисобга олмаслик кўпинча табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини мураккаблаштириши, бунинг иқтисодий оқибатлари жуда катта рақамлар билан баҳоланиши асосланди.

Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини эътиборга олиш зарурлиги эндиликда асосий масалага айланмоқда. Тоғ ва тоғолди водийларда мавжуд бой минерал хом ашёлар негизида саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг характериға қараб саноат


Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини эътиборга олиш зарурлиги эндиликда асосий масалага айланмоқда. Тоғ ва тоғолди водийларда мавжуд бой минерал хом ашёлар негизида саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг характериға қараб саноат

Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини эътиборга олиш зарурлиги эндиликда асосий масалага айланмоқда. Тоғ ва тоғолди водийларда мавжуд бой минерал хом ашёлар негизида саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг характериға қараб саноат


Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини эътиборга олиш зарурлиги эндиликда асосий масалага айланмоқда. Тоғ ва тоғолди водийларда мавжуд бой минерал хом ашёлар негизида саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг характериға қараб саноат

Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини эътиборга олиш зарурлиги эндиликда асосий масалага айланмоқда. Тоғ ва тоғолди водийларда мавжуд бой минерал хом ашёлар негизида саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг характериға қараб саноат

Табиатдан фойдаланишда техноген таъсирнинг оқибатларини эътиборга олиш зарурлиги эндиликда асосий масалага айланмоқда. Тоғ ва тоғолди водийларда мавжуд бой минерал хом ашёлар негизида саноат ишлаб чиқариши ривожланган. Ишлаб чиқариш технологиясининг характериға қараб саноат корхоналари ва уларнинг мажмуасига кирувчи объектлар (карьер, террикон, ағдарма ва бошқ.) атроф муҳитнинг ифлосланиш манбаи бўлиб қолмоқда. Ушбу вазиятларни картада акс эттириш мақсадида Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолатини изоҳловчи карта яратилди (2.3, 2.4-расм).



2.1-расм. Ўзбекистонда кўчмас манбаларнинг атроф муҳитга таъсири



2.2-расм. Ўзбекистон саноат шаҳарлари атрофидаги тупроқда оғир металлларнинг таркиби



ўрганиш табиат билан жамият ўртасида муносабатлар кескинлашаётган бир пайтда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг “**Табиатдан фойдаланишни оптималлаштиришда илмий ёндашув**” деб номланган учинчи бобда табиатдан фойдаланиш мураккаб кўп профилли, қиррали ва муаммоли жараён бўлганлиги учун уни амалга оширишда асосланган бир қатор илмий ёндашув ва тамойиллар очиб берилган.

Табиатдан фойдаланишда мажмуалилик тамойили устунлиги билан ажралиб туради. Худуднинг ресурсларидан фойдаланишда сув, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва табиат комплекслари маҳаллий шароитга қараб вақт мобайнида меъёрга амал қилган ҳолда хўжалик муомаласига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда, чунончи, суғоришга олинган сувнинг бир қисми қайтган сув тарзида вужудга келиши ундан фойдаланишни мураккаблаштиради (3.1-жадвал). Бу вазиятда қайтган сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш долзарб масаладир. Уни тозаланмаган ҳолда дарё ҳавзасига қайтадан ташлаш мумкин эмас. Муаммони мажмуали ҳал қилиш лозим.

3.1-жадвал

2010-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларида сувдан ўртача фойдаланиш

Сувдан фойдаланувчилар	Сувдан фойдаланилган	
	км <sup>3</sup>	%
1. Хўжалик-ичимлик ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаши	3,0	6,1
2. Саноатни таъминлаши	1,1	2,2
3. Балиқ хўжалигини сув билан таъминлаши.	0,7	1,5
Ирригацияда фойдаланилмайдиган соҳалар бўйича жами	4,8	9,8
4. Суғориладиган деҳқончиликни таъминлаши	45,2	90,2
<b>ЖАМИ</b>	<b>50,0</b>	<b>100</b>

Табиий бойликлардан фойдаланишда экологик ёндашув амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу вазиятда экотизим доираси маъносида тушунчага эга бўлинади. Экологик ёндашувда атроф-муҳит табиий чегараланган комплекслар негизида экологик жараёнлар ўрганилади. Экологик вазият, ҳодиса ва жараёнлар ҳамда уларнинг гуруҳлари ландшафтлар, уларнинг комплекслари доирасида ўрганилиши баъзи қонуниятларни ишлаб чиқишга, воқеликнинг ривожланиши, йўналишини аниқлашга, объектив баҳолашга имкон беради.

Илмий ёндашувлар орасида тизимли ёндашув устуворлиги билан ажралиб туради. Тизимли ёндашув худудни тизим сифатида қарайди ва уни бош босқичда тадқиқот қилинаётган худуднинг структураси, унинг кўшни табиий комплекслар билан алоқаси, компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳамжихатлиги, ресурсларнинг жойлашуви, экологик мувозанатнинг барқарорлиги, модда ва энергия алмашуви ва бошқа жараёнларни тадқиқ қилишда қўлланилиши мумкин. Кейинги илмий ёндашув, айтайлик,

ландшафт ёндашуви худудни ландшафтларга бўлиниши тизимли ёндашув орқали аниқланганда уни чуқурлаштириш ва янада аниқлик киритишда, морфологик структураларга бўлинишидаги табақалашувни аниқлашда кўл келади. Бу ёндашув чегараларни аниқлашда ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга.


Диссертациянинг **“Табиат билан жамият ўзаро таъсирини оптималлаштиришнинг экологик-географик асослари”** деб номланган тўртинчи бобда табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш муаммолари тадқиқ қилиниб илмий асосланган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Саноат ишлаб чиқариши кўп миқдорда чиқиндиларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жиддий муаммолардан бири чиқиндилар муаммоси ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бу муаммо борган сари мураккаблашмоқда. Қазилма бойликларни казиб олиш, рудадан соф хом ашёни ажратиб олиш жараёнларида жуда ҳам кўплаб қоплама жинслар рудадан бўшаган жинслар вужудга келади. Улар қайта ишланаётган массанинг 90-95% ини ташкил этади. Конлардан олинаётган рудадан фойдали маъдан миқдори 1-5% (рангли металлларда)ни ташкил қилиши мумкин, қолган бўш (пуч) жинслар чиқинди сифатида терриконларда йиғилади.

Ўзбекистонда кейинги вақтларда жами бўлиб 1,2 млрд м<sup>3</sup> қоплама жинслар, чиқинди омборларида 1,3 млрд т рудаларни бойитишда вужудга келган чиқиндилар тўпланган. Булар 30000 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Вужудга келган бўш жинсларга ҳар йили ўртача 25 млн м<sup>3</sup> қоплама жинслар, 42 млн т рудаларни бойитиш натижасида вужудга келган чиқиндилар, 300000 т металлургия корхоналарининг шлаклари қўшилиб бормоқда. Чиқиндиларнинг бу тезликда кўпайиб бориши яйловлар майдонининг қисқаришига, атроф муҳитнинг ифлосланишига жиддий таъсир этади.

Кимё ва нефт кимёси саноатида чиқиндиларни асосан мис ва рух эритмалари оқаваси, аммиакли оқава сув, марганец шлаки (кукунсимон модда), фосфогипс, лигнин, нефть қуйқаси ва бошқалар ташкил этади.

Шунингдек, машинасозлик, иссиқлик энергияси, енгил ва озиқ-овқат санотлари ишлаб чиқариш жараёнида кўп ҳажмда иккиламчи чиқиндилар вужудга келади, уларнинг бир қисми заҳарли бўлиб, ер ости ва усти сувлари, ҳавони ифлослаши мумкин (4.1-расм).



4.1-расм. Атмосферага чиқарилаётган жами чиқиндилар бўйича саноат тармоқларининг улуши



Табиатнинг ифлосланишида чиқиндиларнинг ўрни бениҳоя катталигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шундай экан аввало чиқиндиларнинг атроф муҳитга чиқишини энг кам миқдоргача камайтириш, технологик жиҳатдан иложи бўлса чиқармаслик амалий аҳамиятга эга. Чиқиндисиз технологияда шундай ишлаб чиқариш тизими қўлланиладики, бунда «бирламчи хом ашё ресурслари-ишлаб чиқариш-истеъмол қилиш-иккиламчи хом ашё ресурслари» циклларидаги барча жараёнлар хом ашёнинг ҳамма компонентлари, энергиянинг барча турларидан оқилона фойдаланиш ва экологик мувозанатни бузмаслик тушунилади. Бинобарин, кўрсатилган технологик жараёнлар тизимида зарарли чиқиндилар чиқмаслиги диққат эътиборда бўлади. Цикллардаги чиқиндилардан зарур маҳсулотлар технологик қайта ишлаб, ажратиб олиниши назарда тутилади.

Минерал ресурсларни қайта ишлаш жараёнида кўп миқдорда чиқиндилар чиқарилади. Шунинг учун ҳам тоғ-кон саноатида мажмуали ёндашув юқори даражада қўлланилиши лозим. Бу борада қазиб олиш, транспортда ташиш, бойитиш ва қайта ишлаш жараёнларида катта миқдорда исрофгарчилик ва чиқиндига йўл қўйилади. Бир тонна рангли металл олиш учун 50 т дан 2000 т гача руда қайта ишланади. Бу жараёнда анча хом ашё чиқитга чиқарилади, унинг таркибидаги бошқа керакли элементлар терриконга ёки чиқинди омборига юборилади. У ерда тўпланиб вақт ўтиши билан у сифатини йўқотади ва атроф муҳитни ифлослантиради (4.2-расм).



4.2-расм. Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий моддалар таркиби, минг тонна ҳисобида

Табиатдан фойдаланиш мураккаб муаммоли жараён бўлганлиги учун уни бошқариш ҳам осон вазифа эмас. Гап табиат бойликларини фойдаланиш муомаласига киритиш ва уни муҳофаза қилиш устида бормоқда. Икки жараённинг бири фойдаланишдан, иккинчиси эса унинг ўрнини тўлдириш ва фойдаланишнинг оқибатларини бартараф этишдан иборат. Бир пайтда удаланадиган бу вазифа осон кўринса-да, аслида мураккаб, кўп функционалли юмушдир. Кўпинча бойликлардан фойдаланиш вазифаси ҳал қилинса, иккинчи, яъни муҳофазага келганда иш тўлалигича ҳал қилинмай,

чала ёки умуман бажарилмай қолади. Бунинг натижасида табиий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар таркиб топади, фойдаланишнинг таннархи ошиб, баъзан оқибатлар ҳажми, оғирлиги тарози палласини босиб юборади. Бу жараёнда экологик мувозанат бузилиб, вазият жиддийлашади, танг ҳолат устувор бўла бошлайди.

Табиатдан фойдаланишни оптималлаштиришнинг ҳудудий, маҳаллий ва нуқтали муаммолари мавжуд. Нуқтали муаммо якка корхонага тегишли бўлиб, унинг ички ва ташқи хусусиятлари билан боғлиқ. Маҳаллий муаммо шаҳар, туманлар ҳудудларида содир бўлаётган геоэкологик воқеликлар билан тушунтирилади. Маҳаллий муаммо ҳудудий муаммо микёсига ривожланиб ўтиши мумкин. Бу ҳудудда содир бўлаётган геоэкологик ҳамда экологик вазият ва воқеликларнинг тезкорлик билан ўзгариши ҳамда йўналиши билан боғлиқ.

Табиатдан фойдаланиш мураккаб жарён, кўпгина омиллар ва хусусиятларни эътиборга олиш, мунтазам бошқариш, чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш, ресурсларни омилкорлик билан муомалага киритиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, экологик вазиятни юмшатиб туриш барқарор иқтисодий-экологик ривожланишга асос бўлади.

## ХУЛОСА

**1.** Табиат ва жамият муносабатлари ва унинг оқибатларини тарихий даврлар бўйича чуқур таҳлил қилиш натижасида, инсон хўжалик фаолиятини ривожланиши ва ҳудуднинг табиий ресурсларидан фойдаланишни кучайиши, фан ва техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни ривожланиши ва табиатдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши, экологик мувозанат ва уни табиатдан нотўғри фойдаланиш жараёнида бузилиши, табиатдан фойдаланишнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг туб моҳияти очиқ берилди.

**2.** Воҳаларда ердан фойдаланиш, энг аввало, тупроқ-мелиоратив аҳволни тубдан яхшилаш, экинларни суғоришни меъёрий кўрсаткичлар асосида амалга ошириш (суғориш техникасини янада такомиллаштириш) устувор йўналиш бўлиши лозим. Мазкур йўналишдаги тараққиёт босқичма-босқич амалга оширилиши назарда тутилган ҳолда, тадбирларни мелиоратив шароити оғир бўлган Қуйи Амударё, Қуйи Зарафшон, Мирзачўл, Қарши чўлидан бошлаш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

**3.** Табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштиришда илмий тамойилларга асосланиб табиий ресурслардан фойдаланиб фаолият юритиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадга эришиш учун қатор тамойиллар: экологик мувозанатни сақлаш тамойили, тозалик тамойили, меъёрга яраша фойдаланиш тамойили, экологик жихатдан асосланганлик тамойили, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш тамойиллари ишлаб чиқилди.

**4.** Табиий бойликлардан фойдаланишда илмий ёндашувларга асосланиб иш юритиш олий мақсад бўлиши зарур. Ушбу ёндашувлардан бири бўлган тизимли ёндашув устуворлиги билан ажралиб туради, чунки тизимли

ёндашув ҳудудни бир бутун тизим сифатида қарайди. Тадқиқот қилинаётган ҳудуднинг структураси, унинг кўшни табиий комплекслар билан алоқаси, компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги, ресурсларнинг жойлашуви, экологик мувозанатнинг барқарорлиги, модда ва энергия алмашуви орқали чамбарчас боғланганлигини инобатга олиниши экологик мувозанатни сақлашга имкон яратилиши очиб берилди.

**5.** Дала тадқиқотлари ва Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси материаллари асосида Ўзбекистонда кўчмас манбаларнинг атроф муҳитга таъсири (масштаб 1:5000000), Ўзбекистон саноат шаҳарлари атрофидаги тупроқда оғир металлларнинг таркиби (масштаб 1:5000000), Ўзбекистонда ичимлик суви сифати ва аҳоли саломатлиги (масштаб 1:5000000), Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолати (масштаб 1:5000000) карталари яратилди.

**6.** Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирни оптималлаштириш мураккаб ва кўп қиррали муаммо. Бу масалани табиий комплекснинг энг кичик таксонометрик бирлиги фациядан бошлаб то географик қобик миқёсида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ. Аниқланишича, қуйи таксонометрик birlikлар ҳудудида муаммони ҳал қилишга эришилса, кейин ундан юқориқ бирликка ўтиш имконияти пайдо бўлши яъни ҳаракат қуйидан юқорига томон амалга оширилиши исбот қилинди.

**7.** Табиатдан экологик-географик асосларга таянган ҳолда фойдаланишни амалга ошириш стратегияси, табиат муҳофазасини кучайтириш мақсадида географик баҳолаш, табиий бойликлардан фойдаланишда кам чиқиндилар ва чиқиндисиз технологияни қўллаш, табиатдан фойдаланишда юқори иқтисодий самарага эришиш ва табиий-антропоген жараёнларни барқарор бошқариш, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш мақсадида «Ўзбекистон табиат комплексларининг инсон хўжалик фаолияти таъсири 2025-2035 йилгача ўзгаришининг прогнози ишлаб чиқилди.

**8.** Табиат ва жамият муносабатларини прогнозлашнинг муддат бўйича таққосланиш жадвали ишлаб чиқилди ва унга кўра прогнознинг 5 та: тезкор – 1 ой, қисқа муддатли – 1 йил, ўрта муддатли – 1-5 йил, узоқ муддатли – 5-15 йил, узоқ тезкор – 15 йилдан кўп қилиб олинди ва тезкор тадрижий, ҳозирда, келажакда, узоқ муддатли гуруҳларга бўлинди.

**9.** Табиат ва жамият муносабатларини оптималлаштириш мақсадида саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғри ташкил қилиш, табиий комплексларнинг табиий мувозанатини мунтазам сақлаш, табиатдан фойдаланишда анъанавий услублардан кенг фойдаланиш, табиатдан фойдаланишда тизимли таҳлил қилиш, табиий бойликларни тежаш, табиатдан фойдаланишни режалаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.27.06.2017.G.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ**

**РАФИКОВА НОДИРАХОН АЪЗАМОВНА**

**ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОПТИМИЗАЦИИ  
ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ПРИРОДЫ И ОБЩЕСТВА  
(на примере территории Узбекистана)**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное  
использование природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/G112.**

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета (nauka.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyo.net» (www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Аббасов Субхон Бурхонович**  
доктор географических наук

**Официальные оппоненты:**

**Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич**  
доктор географических наук, профессор

**Аманбаева Зиёда Абдубаисовна**  
кандидат географических наук, доцент

**Ведущая организация:**

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: geografiya.nuuz@mail.ru. Факультет географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №\_\_\_\_). Адрес: 100095, г.Ташкент, Университетская, 4. Административное здание Национального университета Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года)

**Н.И.Сабитова**

Председатель разового Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.г.н., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Учёный секретарь разового Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.г.н., доцент

**З.Н.Тожиева**

Председатель разового Научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философских наук (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современном глобальном научно-техническом прогрессе отношения общества с окружающей средой становятся все более сложными. Этот процесс особенно очевиден в проблемах, связанных с постоянным увеличением материального благосостояния и энергопотребления. В докладе Глобального экологического фонда (ГЭФ) в 2017 году подчеркивается, что «Оптимизация взаимодействия между природой и обществом должна стать одной из задач XXI века»<sup>1</sup>. Изменения в обмене веществ и энергии в результате человеческой деятельности, интенсивное использование природных ресурсов и увеличение объема коммунально-бытовых отходов, а также усугубление процесса загрязнения окружающей среды требуют разработки стратегий, направленных на оптимизацию отношений между природой и обществом.

В мире приоритетное внимание уделяется проведению исследований в этой сфере, в частности, повышению внимания эффективному использованию природных ресурсов и процессам возобновления ресурсов, переработке отходов, внедрению технологий переработки отходов и предотвращению накопления в окружающей среде вредных для жизни живых организмов, особенно человека веществ. Также важно развивать экологические и географические основы взаимоотношений природы и общества, прогнозировать последствия взаимоотношений, составлять карты и разрабатывать меры по улучшению экологической ситуации.

В стране реализуется ряд реформ для защиты экологии и окружающей среды, естественной мелиорации земель, а также для того, чтобы не превышать допустимые уровни вредных выбросов в окружающую среду. Имеются заметные положительные результаты. «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» намечает важные задачи по научной поддержке решения экологических проблем<sup>2</sup>. В связи с этим, важное значение имеют научные исследования, направленные на совершенствование эколого-географических основ оптимизации отношений между природой и обществом, в том числе с использованием природных ресурсов.

Данная диссертационная работа способствует реализации целей, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года N УП-4047 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПФ-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» и других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

---

<sup>1</sup> [https://www.e-unwto.org/doi/pdf/.UNWTO Annual Report 2017](https://www.e-unwto.org/doi/pdf/.UNWTO%20Annual%20Report%202017)

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и техники Республики Узбекистан V. «Охрана сельского хозяйства, биотехнологии, экологии и окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Теоретические и методологические основы решения проблем экологии и охраны окружающей среды, использования природных ресурсов изложены в работах таких зарубежных ученых как М.Гланц, Ф.Пирс, В.Вейсман, Дж.Ниул, Р.Фергюсон, Л.Перейра, И.Кобори, а также таких ученых стран СНГ как В.А.Анучин, И.П.Герасимов, Г.А.Давыдова, Д.П.Нититин, А.Г.Бабаев, Б.Г.Розанов, Н.Т.Нечаева.

Исследования взаимоотношений природы и общества в Узбекистане проводились такими учеными как А.А.Рафиков, П.Н.Гуломов, Л.А.Алибеков, А.Н.Нигматов, С.Б.Аббасов, А.А.Назаров, Ш.М.Шарипов, Б.А.Бахриддинов, А.К.Уразбаев, З.А.Аманбаева и др. Исследования этих ученых сосредоточены на воздействии природных процессов на природу, их причинах, последствиях, а также воздействии антропогенных факторов на геосистемы.

